

Маҳрни пинҳона берса бўладими?

15:38 / 24.05.2016 3735

Ҳозирда аёл киши турмушга чиқаётганда кўп ҳолларда маҳр ўрнида уй, ҳовли-ер деб мулк ажратилмоқда. Бу, албатта нотўғри. Шунини ота-онага тушунтира олмаган тақдирда қизга учрашув пайтида узук ёки шу миқдорда пулни ўзаро пинҳона берса, маҳр ўрнига ўтадимми? Албатта қиз билан келишилган ҳолатда бўлади.

ЖАВОБ: Келинга уй, ҳовли ва бошқа мулкларни маҳр қилиб берса бўлади. Аммо булар келиннинг шахсий мулкига айланади. Сўнгра келин-куёв ўша ҳовли ёки уйда яшашса, келин куёвдан ижара олиши мумкин бўлади. Маҳрга узук бериш шарт, деган тушунча йўқ. «Маҳр» ақди никоҳ ёки эру хотин бўлиш билан эр зиммасига юкланадиган ва хотинга бериш лозим бўлган молдир. Мусулмонларнинг барчаси никоҳ маҳр-сиз бўлмаслигига ижмоъ қилганлар. Маҳрнинг ози ўн дирҳамдир. Ўн дирҳам бир динорга тенг келади. Бу нисобга етган молнинг йигирмадан бири деганидир. Маҳр турли номлар билан номланади, Қуръони каримда садоқ, садақа, ажр, фарийза, ниҳла исмлари ишлатилган. Баъзи уламолар, маҳрнинг ўнта исми бор, деганлар. Бизда «маҳр» номи машҳур бўлгани учун шунини қўллаймиз (Аллоҳ билувчидир).